


Құнғиротда кичик саноат зоналари ташкил қилинмоқда



Юртимизда ишбилиармен ва тадбиркорлар сафини кенгайтириш ва шу орқали янги иш үринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан қатор фармон, қарор ва фармойишлар қабул қилиниб, амалда татбиқ этилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2018 йил 6 мартағи “Қорақалпоғистон Республикасида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-3588 қарори ижросини таъминлаш борасида Құнғирот туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси Жамоатчилік билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бош инспектори Д. Айимбетова Құнғирот туман давлат солиқ инспекцияси раҳбари М.Матрасулиев берган маълумотлар асосида karakalpakstan.uz расмий сайтига қўйидагича ахборот бермоқда.

Құнғирот тумани «Алтынкул» ПФЙ да мазкур қарор ижроси юзасидан жами ер майдони 3,18 гектар бўлган кичик саноат зonasи ташкил етилди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2018 йил 8 май кунги №01-08/16-05/299 сонли йиғилиш баённомасига асос Құнғирот тумани кичик саноат зonasида лойиҳалар қиймати жами 8 938,4 миллион сўмлик 7 та корхона ўтказилган тендерда ғолиб бўлиб кичик саноат зonasи ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга истак билдири ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2018 йил 30 июнь санасидаги №04-08/16-06/462 сонли йиғилиш баённомасига асос Құнғирот тумани кичик саноат зonasида лойиҳалар қиймати жами 610,0 миллион сўмлик 2 та корхона ўтказилган тендерда ғолиб бўлиб кичик саноат зonasи ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга истак билдири.

Ташкил этилаётган туман кичик саноат зonasидаги "Five City" МЧЖ жами қиймати

4800 миллион сўм бўлган "Гипсокартон ишлаб чиқариш" лойиҳасини амалга ошириб, янги 25 та иш ўрини яратмоқчи.

Шунингдек, "KUNGRAD LEGO" МЧЖ корхонаси "Фундамент блок ва лего ғишт ишлаб чиқаришни ташкил этиш", "Javlanbek-Karabura" МЧЖ "Елим, халта ва спорт буюмларини ишлаб чиқариш" лойиҳасини, "LAKO KRASKA KUNGRAD" МЧЖ "Водемульсия, Шпаклёвка ва пеноблок ишлаб чиқариш" лойиҳасини амалга оширади.

Шу билан бирга, "Утемова Зульфия" ЯТТ корхонаси "Нон-булка ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда тикиш цехини ташкил этиш" лойиҳасини, "KUNGRAD UNIVERSAL BIZNES" МЧЖ "Чипс ва писта маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қадоқлашни ташкил этиш" лойиҳасини амалга оширади.

"GOLDEN PLASTIC" МЧЖ "Хўжалик пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш" лойиҳасини амалга ошириши билан бирга эса 10 та иш ўрни яратилиши белгиланган.

Лойиҳа қиймати 360,0 миллион сўм бўлган "BEK TURSIN" МЧЖ "Нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш" лойиҳасини амалга ошириб, янги 5та иш ўрни яратилади. Ишга туширилиши белгиланган ушбу корхонлар томонидан бино иморатларини таъмиглаш ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Кичик саноат зонасида ташкил этилган "NUKUS PAXTA SANOAT BREZENT" МЧЖ томонидан "Брезент, буз матоларини, ўсимлик ёғи, мих ва шурп ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳасини амалга оширилди. Корхонада ҳозирги кунда 10 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган. Келгусида эса яна 50 нафар фуқарони иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, жойларда бу каби кичик саноат зоналарининг ташкил этилиши ва уларга тадбиркорлик субъектларининг жалб этилиши, энг аҳамиятлиси, янги иш ўринларининг яратилиши бир неча йиллар ўтиб кутилган самарани бериши, сўзсиздир.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ахборот хизмати